2012 йил

Мустаҳкам оила йили

# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2012-YIL 4-OKTABR, PAYSHANBA, 115 (8040) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.







**Мамлакатимизда "Art Week Style.uz – 2012" санъат ҳафталиги доирасида "Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми ва "Theatre.UZ/ 2012" учинчи халқаро театр фестивали давом этмоқда. Ушбу тадбирларда Осиё, Европа, Африка, Шимолий ва Жанубий Американинг элликка яқин мамлакатидан кинематография ва театр соҳаси мутахассислари, олим ва экспертлар, санъатшунослар иштирок этаётир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирлари мазкур халқаро анжуманлар иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.**

**Томас МАУХ,**
**оператор, режиссёр**
**(Германия):**

– «Олтин Гепард» халқаро Тошкент кинофоруми – ўзига хос ижодий мулоқотлар майдонидир. Ўзбекистон кинематографиясини пухта ўрганиш, айниқса, ёшларнинг ижодий изланишини кузатиш, салоҳиятини атрофлича таҳлил этиш биз учун қизиқ. Тошкент жуда озода, яшилликка бой, ҳавоси мусаффо шаҳар сифатида мени мафтун этди. Ўзбекистонликлар – самимий, меҳмондўст, чеҳраси очиқ, бахтиёр халқ. Буларни кўриб, менда мамлакатингиз ҳақида фильм суратга олиш нияти туғилди.

**Филипп БЕРГСОН,**
**кинотанқидчи (Буюк Британия):**

– Бугунги глобаллашув даврида дунёнинг кўплаб киностудияларида томошабиннинг, айниқса, ёшларнинг дидини, онгу тафаккурини хиралаштирадиган тижорат фильмлари суратга олинаётгани сир эмас. Шу маънода Тошкент кинофоруми учун беш юзга яқин фильм орасидан энг яхши картиналар саралаб олингани, бунда уларнинг бадиий савияси, мазмун-моҳиятига асосий эътибор қаратилгани қувонарлидир.

**Жан РУА,**
**Халқаро кинопресса**
**федерацияси президенти**
**(Франция):**

– "Art Week Style.uz – 2012" санъат ҳафталиги доирасида ўтказилаётган "Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофорумининг ташкил этилиши – ноёб ва фойдали ғоя, деб ўйлайман. Ушбу анжуман самарали мулоқот ва мазмунли воқеаларга бой бўлмоқда. Бундай йирик халқаро форумлар актёрлар, режиссёрлар, санъатшунослар ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, томошабинларга янги, бадиий етук асарларни тақдим этишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш, санъат аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдим. Мамлакатингизда санъатнинг барча турлари сингари кино соҳаси ҳам изчил тараққий этаётгани диққатга сазовор. Бугун ўзбек кинофильмлари нафақат мамлакатингизда, балки жаҳонда ҳам кенг оммалашиб бораётир.








# ЗАМОН ВА МАКОН БИЛМАС САНЪАТ

**"Олтин Гепард" иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми доирасида "Замонавий кино: макон, замон, қалб" мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда киношунос олимлар, экспертлар, режиссёрлар, продюсерлар, актёрлар, хорижий мутахассислар қатнашди.**

«Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми бош директори А.Ҳакимов, киношунос Н.Каримова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча турлари қатори кинематографияни ҳам ривожлантириш, киноижодкорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Ёш сценарийнавислар, актёр ва режиссёрларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш – доимий эътиборда.

Айниқса, ғоялар ўртасидаги кураш кескинлашаётган, «оммавий маданият»нинг турли зарарли таъсирлари ёшлар онги ва тафаккурига таҳдид солаётган бугунги мураккаб глобаллашув шароитида кино санъатини ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш, замонавий билим ва миллий қадриятлар уйғунлигини теран англаган юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ.

Бу соҳада халқаро ҳамкорлик кўламининг тобора кенгайиб бораётгани киноижодкорлар учун ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини яратмоқда. Ўзбек фильмлари кўплаб нуфузли фестиваллар ва халқаро кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлаётгани миллий кино санъатимиз изчил ривожланиб бораётганининг далилидир.

– Ўзбек фильмлари миллий руҳ, юксак гуманизм ва халқнинг эзгу орзу-интилишларини ёркин акс эттириши билан ғоят қадрли, – дейди хитойлик режиссёр Жо Мин Хуажи хоним. – Аслида ҳам замон ва макон оша инсон қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш кино санъатининг бирламчи ва асосий мақсадидир. Бу ёшлар тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга.

– «Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми ташкилий, бадиий жиҳатдан кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтмоқда, – дейди америкалик режиссёр Тейлор Кеннеди. – Кинофорум доирасидаги тадбирларнинг аксарият иштирокчилари – талаба-ёшлар. Бу Ўзбекистон ёшлар мамлакати эканидан далолатдир. Айни пайтда йигит-қизларнинг фаоллиги, кино соҳасига оид янгиликларни ўрганишга иштиёқмандлиги ўзбек кино санъатининг порлоқ келажагига ишонч уйғотади.

Анжуманда Ўзбекистон ва жаҳон кинематографиясидаги бугунги ижодий жараёнлар, соҳадаги ҳамкорликнинг янги истиқболларига оид маърузалар тингланди ва атрофлича муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ НАТИЖАСИ ҲОСИЛ БАРАКАСИДА КЎРИНМОҚДА

**Истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар — ерларнинг ҳақиқий эгаларига берилиши, фермерларга берилаётган имкониятлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Айниқса, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланишига қаратилаётган эътибор, ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос навларнинг танланиши, таъминот ва хизмат кўрсатиш тузилмасининг сифатли хизмати, ҳақиқий ер эгасининг меҳнатига яраша рағбатлантирилиб борилиши қўлга киритилган ютуқларнинг омили бўлмоқда. Буни бошқа ҳудудларга нисбатан мураккаброқ экологик шароитда деҳқончилик қилаётган Оролбўйи пахтакорлари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.**



*Амударё туманидаги «Сапарбоев Қўзибой» фермер хўжалиги раҳбари Қўзибой Сапарбоев ва ишчи Айманжон Аҳмедова.*

Жорий йилда ғўзанинг "С-4727", "Дўстлик-2", "Омад", "Чимбой-5018" каби навларини парваришлаган қорақалпоғистонлик пахтакорлар қулай иқлим шароитидан унумли фойдаланишди.

— Экиш ва ғўза парвариши даврида об-ҳавонинг қулай келгани, парваришнинг сифатли ва вақтида олиб борилиши натижасида мўл ҳосил етиштирилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бош мутахассиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Абат Сейтмусаев. — Тажрибали мутахассисларнинг амалий ёрдами ва деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати натижасида ғўза парвариши даврида агротехник тадбирлар ўз вақтида ва самарали олиб борилди. Айниқса, Оролбўйининг иқлим шароитига мос келадиган серҳосил ва тезпишар навларнинг экилиши етиштирилган ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олиш имконини берди.

Амударё тумани пахтакорлари ҳар йилгидан-да кўпроқ ҳосил етиштиришди. Шунингдек, Қонликўл, Қўнғирот, Нукус, Кегайли, Қораўзак, Тахтакўпир, Чимбой туманлари пахтакорлари фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимиз хирмонига муносиб улушларини қўшмоқдалар.

Фермер хўжаликларининг кўпчилигида ҳосилдорлик юқори бўлмоқда. Жумладан, Амударё туманидаги «Юсуфхўжа», «Амирхон», «Ражабов Омонбой», «Сейтимов Улуғбек», Қонликўл туманидаги «Оқ телпак», «Генжебек», Қўнғирот туманидаги «Уч труба», «Баракай», Кегайли туманидаги «Ойназар бобо», Қораўзак туманидаги «Гулзиба Рей», «Шаҳоб» фермер хўжаликлари ҳар бир гектар пахта майдонидан ҳозиргача 35-40 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

— Деҳқонда чин ихлос бўлса, ер ундан ўз саховатини аямайди, — дейди Амударё туманидаги «Юсуфхўжа» фермер хўжалиги раҳбари Нурулла Яхшимуродов. — Бу йил пахтачилик учун ҳар йилдагидан қулай келди. 115 гектар ер майдонга чигит экиб, ғўза парваришладик, бугунги кунгача 350 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олдик. Етиштирилган пахта ҳосили юқори навларга қабул қилинди. Қолган ҳосилни ҳам нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, хирмонимизни 450 тоннадан оширмоқчимиз.

Пахта йиғим-теримида ёшлар, маҳалла фаоллари, жамоат ташкилотларининг аъзолари ташаббускорлик кўрсатиб, деҳқон ва фермерларимизга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Илғор теримчилар туман ҳокимликлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалар ташкилотлари бирлашмаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилиб борилмоқда.

Пахта далаларида ҳали ҳосил мўл. Уларни кузнинг ёғин-сочинли кунларига қолдирмай, йиғиштириб олиш мақсадида пахтакорлар янада ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, малакали кадрлар тайёрлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.**

# СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Унда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш орқали соғлиқни сақлаш соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинди. Жойларда беш поғонадан иборат самарасиз, кўп харажат талаб қиладиган эски тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари ташкил топди. Вилоят марказларида эса катталар ва болаларга ихтисослашган тиббиёт муассасалари бунёд этилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимиз миллий тиббиётида янги тизимга асос солинди. Бу шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бўлиб, эндиликда Ўзбекистон тиббиётининг ажралмас қисми ва мукаммал тармоғига айланди.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимидаги муваффақиятларидан яна бири бу ихтисослашган тиббиётдир. Айни пайтда Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони доирасида тизимда хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология каби йўналишларда 10 та республика ихтисослашган маркази ташкил этилиб, энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёда иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини ривожлантириш, хусусан, замонавий, жаҳон стандартлари даражасидаги тиббиёт масканлари барпо этиш ва жиҳозлаш учун давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлар миқдорининг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги катта аҳамиятга эга. Масалан: 2009 йил Инвестиция дастури доирасида 9,3 миллиард сўм ажратилган бўлса, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 256 миллиард сўмни ташкил этганлиги фикримиз далилидир. 2009-2011 йил Инвестиция дастурлари доирасида жами 175 та тиббиёт муассасаларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди ва ўтган йил якунига кўра 81 та тиббиёт муассасаси тўлиқ фойдаланишга топширилди.

Бир қатор халқаро институтларнинг берган баҳосига кўра аёлларга қулай шароитлар яратиш ва оналикни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг 125 та давлати орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Бугунга келиб ушбу кўрсаткич Марказий Осиёда энг яхши, МДҲ ва Осиёда эса юқори саналади.

ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДҲ бўйича ҳудудий идораси томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги дастурлари регионал модел сифатида тан олинган.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

▼ МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

# ОБОД МАҲАЛЛА — ЮРТ КЎРКИ

***Йўлингиз тушса, Жарқўрғон тумани Сурхон қишлоғидаги Ўроқ Худойбердиев номли маҳаллага бир кириб ўтинг. Маҳалла кечаги 30-40 хонадонли қишлоқ эмас, бугун обод ва бунёдкорлик оғушидаги "кичик шаҳарча"-га айланган маскан. Албатта, бунда одамларнинг бошини қовуштириб, уларни ҳамжиҳатликда, тинч-тотув яшашига кўз-қулоқ бўлиб турган маҳалла раиси Рисолат Худойбердиеванинг меҳнати катта.***

Рисолат опа, маҳалла масъул котиби Раҳматулла Эшмуродов, маслаҳатчи Норгул Нормуродова ҳамда участка нозири Расул Раҳмонов деярли ҳар куни эрталаб қандай ишлар қилиш кераклигини режалаштириб олишади. Лозим топилса, Қурбон Мусурмонов, Суюн Турсунов каби маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари билан биргаликда хонадонларда бўлишади. Баъзи кам даромадли оила вакилларига томорқадан унумли фойдаланиш, чорвачилик, паррандачиликнинг катта даромад манбаи эканлигини дўстона ва амалий мисоллар билан тушунтиради.

— Алиёр Ҳайитов 3 сотихлик иссиқхонаси даромадидан машина олди, — дейди маҳалла раиси Р.Худойбердиева. — Эртаги помидор, бодринг ва турли хил сабзавотлар экиб, ҳар йили 12-15 миллион сўм соф даромад олади. Унинг Йўлдош Ҳасанкелдиев, Жўра Абдураҳмонов каби маҳалладошлари ҳам 10-15 сотихлик томорқадан рўзғорини обод қилмоқда. Ана, ҳовлисига киринг. "Матиз", "Нексия", "Ласетти" каби машиналари турибди.

Дарвоқе, айни пайтда мазкур маҳалладаги 400 га яқин хонадонда 2800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудида қишлоқ врачлик пункти, мактаб, коллеж, болалар спорт мажмуаси, 800 ўринли тўйхона, ўнлаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритиб турибди.

Энг муҳими, маҳаллада ёшлар тарбиясига, келажагига алоҳида эътибор қаратилган. Ёш мураббий Зафар Каримов кенг ва муҳташам спорт мажмуасида юздан зиёд ўғил-қизга спортнинг саккиз тури бўйича машғулотлар олиб боради. Қўли гул чевар, ҳунарманд Меҳри Эргашева, Маҳфуза Ўроқовалар эса аёлларга замонавий пардалар, либослар тикиш, гилам тўқиш ва зардўзлик сирларини ўргатишади.

Рисолат Худойбердиева раҳбарлигида боқувчисини йўқотган, ногирон фарзанди бор, камхарж оилаларга ёрдам кўрсатилиб, ҳар байрамда саховатпеша тадбиркорлар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда совға-саломлар улашилади.

Хусусан, ўтган йили Ойдин Холбоевага "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан ижтимоий-иқтисодий ёрдам тариқасида бир бош сигир олиб берилганди. Бу йил унинг сигири туғиб, болалари беминнат сут-қатиқли бўлишди.

Маҳалладаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам эътирофга лойиқ. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги айёми арафасида ҳудуддаги 2,5 километр узунликдаги йўл асфальт қилинди, ички йўллар таъмирланди. Йўл ёқаларига уч мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Бундан ташқари, яқин кунларда 12 та шинам ва замонавий уй-жойлар ўз эгаларига топширилиш арафасида турибди. Бу йил маҳалладаги Кофрун ва Араб қишлоқлари Бешовул қўрғонига айлантирилди.

Қисқаси, Рисолат Худойбердиеванинг ташаббускорлиги, маҳалладошларининг меҳнаткашлиги, тадбиркорлиги боис маҳалла обод бўлиб бормоқда.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд вилояти

▼ ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

# ЯДРО ФИЗИКАСИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД МАКТАБИНИНГ ДОВРУҒИ

**Самарқанд давлат университетида "Ядро физикаси ва унинг татбиғи" мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуман ЎзФА Ядро физикаси институти, СамДУ ва ЎзМУ қошидаги Амалий физика илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигида ўтказилди.**

Конференцияда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Канада, Франция, Германия, Покистон, Туркия, Япония, Жанубий Корея, Украина, Белорусь, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатларидан 300 нафарга яқин олим ва мутахассислар қатнашдилар. Анжуманни ташкил этишдан мақсад фундаментал ва амалий ядро физикасининг замонавий йўналишлари, ядро технологияларининг қўлланиши борасида эришилган ютуқларни оммалаштириш ҳамда ушбу йўналишда халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат эди.

Унинг иштирокчилари уч кун мобайнида атом ядроси ва элементар зарралар физикаси (назария ва эксперимент), конденсирланган материалларнинг радиацион физикаси, ядро технологиялари ва уларнинг татбиғи, ядро ва радиацион хавфсизлик, келажак авлод учун ядро технологиялар тўғрисида билимлар каби долзарб масалаларни муҳокама қилишди.

Конференциянинг Самарқанд давлат университетида ўтказилиши бежиз эмас. Бу ерда физика соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар нафақат республикамиз, балки жаҳон миқёсидаги нуфузли илмий марказлар томонидан эътироф этилган. Хусусан, профессор Муса Мўминов ташаббуси билан ўтган асрнинг қирқинчи йилларида шакллантирилган Ядро физикаси илмий мактаби вакиллари бугунги кунда СамДУ нуфузини жаҳон миқёсига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Академик Толиб Мўминов бошчилигида Ядро физикаси лабораториясининг ташкил этилиши билан илмий ишлар савияси янги босқичга кўтарилди. Кафедра шу пайтга қадар 2 нафар академик, 14 нафар фан доктори ва 40 нафардан ортиқ фан номзодлари тайёрлаб берди. Университет олимлари жаҳоннинг нуфузли илмий марказларида, жумладан, ЎзФА Ядро физикаси институти, ОИЯИ (Дубна, Россия), Ферми ЛАБ (Батавия, АҚШ), ЦЕРН (Швейцария) институтларида илмий ишлар олиб боришмоқда. Халқаро МАГАТЭ ташкилоти томонидан 231 минг евро маблағ билан таъминланган грант бажарилмоқда.

— "Ядро физикаси ва унинг татбиғи" халқаро илмий конференциясининг аҳамияти унинг анъанавийлигидир, — деди Россия Ядро физикаси илмий-тадқиқот институти профессори Леонид Блохинцев. – Анжуманда жуда кўплаб масалалар муҳокама қилинди. Шу ўринда ядродан фантехника тараққиёти мақсадларида фойдаланиш соҳасида алоҳида секция мавжудлигини айтиш лозим. Конференция учун Ўзбекистоннинг, хусусан, кўҳна Самарқанднинг танланиши бежиз эмас. Сабаби, фан, маданият, таълим соҳасида Самарқанд дунёнинг тарихий марказларидан биридир. Бугунги кунда эса самарқандлик олимлар ядро физикаси соҳасида ҳавас қиларли даражадаги ютуқларга эришмоқдалар.

Халқаро анжуман доирасида АҚШ Стендфорд университети профессори С.Хеккер раҳбарлигида ядро қуролларини жаҳонда тарқатмаслик тўғрисида семинар ўтказилди, шунингдек, мутахассисларнинг бу борадаги ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинди.

Конференция ишида Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев иштирок этди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё вилояти

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА



**"Асака банк" ОАТБ Сирдарё вилояти филиали томонидан ажратилган 1 миллиард 940 миллион сўм миқдоридаги кредит эвазига "Боёвут — Бунёдкор" ғишт заводининг иккинчи қуввати ишга туширилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган ушбу корхонада бир кеча-кундузда 40 минг дона ғишт тайёрланаётир.**

Айни пайтда Фахриддин Маркаев, Фахриддин Назаралиев, Беҳзод Маматов, Одил Эшбоев, Ғулом Тугизбоев ҳамда Ҳусан Жонжигитов каби ишчилар маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Корхонанинг янги қуввати ишга туширилиши билан қўшимча 50 та янги иш ўрни яратилди, — дейди завод раҳбари Исмат Шойзоқов. — Корхонага 11 та экскаватор ва 1 та автоюклагич агрегати сотиб олинганлиги иш самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда. Хом ғиштни қуритиш учун ихчам ва юқори қувватли технологиялар ўрнатилди. Ишчилар учун қулай шароит яратиб бериш мақсадида янги ётоқхона ва ошхона қурилмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Фурқат ТОШМАТОВ олган сурат.*

Тошкент вилояти

**Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Оҳангарон, Бўстонлиқ ва Паркент туманларида фаолият юритаётган кўплаб фермер хўжаликларида мойли экинлар — махсар ва кунгабоқар етиштирилмоқда.**

# САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАР

— Фермерларимиз мойли экинлар парваришлашнинг ҳадисини олишган, — дейди Оҳангарон туманидаги Телов фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Облоқул Турматов. — Бу йил ҳудудимизда 100 гектарга яқин майдонда кунгабоқар, 35 гектар ерда эса махсар етиштирилди. Янгийўл ёғ-мой комбинати билан ушбу маҳсулотларни қабул қилиш бўйича шартнома имзоланганди. Натижалар самарали бўлди.

Айни вақтда вилоятда қайта ишлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш ва улар сонини кўпайтириш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Оққўрғон туманидаги "Роксана барака оил" масъулияти чекланган жамиятида айнан махсар ва кунгабоқар мойи олишга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ҳозирда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий технологиялар олиб келинди. Бундай корхоналарнинг кўпайиши келажакда лалми ва ғалладан бўшаган майдонларда мойли экинлар етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларига катта қулайликлар яратади.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган вилояти

▼ АНЖУМАН

# ДУККАКЛИ ВА МОЙЛИ ЭКИНЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ҒАЛЛА ВА ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИНИНГ НАМАНГАН ФИЛИАЛИДА ДУККАКЛИ ВА МОЙЛИ ЭКИНЛАР СЕЛЕКЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, илмий марказлар ходимлари, мутахассислар, фермерлар ва тайёрлов корхоналари раҳбарлари иштирок этишди.

Тадбирда Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти директори Р.Сиддиқов, Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станцияси директори И.Анорбоев, "Учқўрғонёғ" ОАЖ бўлим бошлиғи Ж.Ғаниевлар таъкидлашганидек, бугун жаҳоннинг кўпгина давлатларида озиқ-овқат муаммоси ўткирлашиб бораётган бир даврда мамлакатимизда бозорларимиз обод, дастурхонимиз тўкин. Президентимиз раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли, изчил чора-тадбирлар самараси бу.

Лалми ва суғориладиган майдонларда мойли экинлар экиш қайта ишлашни ташкил этиш, аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондириш, чорва озуқаси базасини янада мустаҳкамлаш имконини беради. Такрорий экин сифатида уларни экиш фермерлар учун ҳар томонлама манфаатли бўлиб, биринчидан, суғориладиган майдонлардан янада самарали фойдаланиш имкониятини яратади. Иккинчидан, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришга замин яратади. Учинчидан, дуккакли экинлар тупроқ таркибини бойитишда, унумдорлигини оширишда табиий дармондори вазифасини ўтайди.

Мойли экинлар экиш ва уни қайта ишлашга қабул қилиш борасида "Учқўрғонёғ" ОАЖда катта тажриба тўпланган. Фермерлар ва қайта ишловчилар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик боис такрорий экин сифатида соя ва кунгабоқар экиш ҳажми ортиб бормоқда. 2008 йилда мазкур корхонада салкам 800 тонна мойли экинлар ҳосили қабул қилиниб, қайта ишланган бўлса, 2011 йилда ушбу кўрсаткич 5 минг тоннага етди.

– Дуккакли экинлар ерни даволайди, – дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди М. Маннопова. – Ерни даволаш баробарида такрорий экин эвазига гектаридан 30 центнергача ҳосил олиш мумкин. Ҳозирда кўплаб фермерлар дуккакли экинларнинг фойдасини билишди. Айниқса, соя ўсимлиги ёғи экологик тозалиги жиҳатидан барча ўсимлик ёғларидан бир қатор устунликка эга. Соя донини тегирмонда тортиб уй шароитида фойдаланиш мумкин. Соя кунжарасининг қуввати эса ғўзаникига нисбатан етти баробар кўп.

Кейинги даврда паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида соя ва кунгабоқарга бўлган эҳтиёж ҳам ошмоқда. Фермерлар ушбу экинларни экишда тажриба тўплашмоқда. Хусусан, Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув", Олтинкўл туманидаги "Бахт имкон ривож", Булоқбоши туманидаги "Барака ҳосил самараси" фермер хўжаликларида соячилик борасида муайян натижалар қўлга киритилди ва уруғчилиги ташкил этилди. Юзлаб фермерлар эса кунгабоқар парвариш қилишиб юқори иқтисодий самарадорликка эга бўлишаётир.

Анжуман иштирокчилари тажриба майдони билан танишишди. Тажриба майдонларида Сербиядаги "Нови Сад" далачилик ва сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти селекционерлари томонидан яратилган мойли ва озуқабоп экинларнинг янги навлари муваффақиятли синовдан ўтмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида экилган янги навлар тўла пишиб етилмоқда. Озуқа ва дон учун экилаётган маккажўхоридан ҳам мўл ҳосил олинди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

«Qishloq HAYOTI»
115-son (2012-yil 4-oktabr)

# Ҳар ерни қилма орзу...



**Ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошлаб “одам савдоси”, “траффик” каби атамалар тез-тез ишлатила бошланди. Кейинги йилларда одам савдоси жаҳон оммасини ташвишга солаётган халқаро терроризм, экстремизм, наркобизнес каби муаммоларнинг бирига айланиб улгурди.**

2000 йилда ишлаб чиқилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашга оид Концепциясида "одам савдоси" тушунчасига расмий жиҳатдан изоҳ берилди.

Унга кўра, эксплуатация қилиш мақсадида одамларни куч ишлатиш, мажбурлаш чораларини қўллаш ёхуд фирибгарлик йўли билан алдаш, давлат ваколатларини, тутган мавқеини суиистеъмол қилган ҳолда бир шахснинг назоратидаги бошқа бир шахсни сотиб олиш йўли билан уларни ёллаш, ўтказиш, ташиш, сақлаш — одамлар савдоси ҳисобланади.

Одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг жуда тез суръатда ўсиб бораётган ва ниҳоятда сердаромад фаолият тури бўлиб қолмоқда. Рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, сўнгги 30 йил ичида биргина Осиёда қулликка маҳкум этилган аёллар ва болалар сони 30 миллиондан ортиб кетди. Уларнинг жуда катта қисми жиноий ташкилотларнинг тазйиқи остида қулга айлантирилган.

Ҳозирда одам савдоси жинояти инсонларни камситиш, ҳуқуқларини тан олмаслик, улардан ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилган ҳолда турли мақсадларда фойдаланиш, қул сифатида мажбуран сотиб юбориш, фоҳишабозликка жалб этиш ва бошқа шунга ўхшаш кўринишларда учрамоқда.

Бутун дунёда авж олиб бораётган ҳамда тобора кўпроқ қурбонлар берилаётган, аллақачон "қора бизнес"нинг энг сердаромад турига айланган ушбу жиноий ҳодиса инсоннинг узвий ва дахлсиз ҳуқуқларини поймол қиладиган, унинг қадр-қимматини камситадиган ваҳшиёна қилмиш саналади.

Жамиятда аёллар дискриминацияси, паст даражадаги саводхонлик, коррупция, ёлғон реклама эълонларини тарқатиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар одам савдосининг ривожланишига олиб келувчи омиллардир.

Одам савдоси бир вақтнинг ўзида ҳам жиноий-криминал, ҳам инсон ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган жиноий занжир ҳисобланиб, бу борада кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, унга қарши ҳар томонлама қатъий кураш олиб бориш орқали ижобий натижага эришиш мумкин.

Шундай экан, одам савдосига қарши барчамиз биргаликда курашсак, яқинларимизни, ён-атрофимиздагиларни унинг домига тушиб қолишидан асраган бўламиз.

**Сайёра ИСМАТОВА,**
**Файзулла АЛИҚУЛОВ,**
**Яккабоғ тумани давлат нотариал идоралари нотариуслари.**

# Эй сиз, аёллар, эссиз аёллар

ШАХСИЙ ФИКР

**Бугун мамлакатимиздаги бунёдкорлик ва катта ўзгаришларни кўриб қувонаман. Қишлоқ ва шаҳарларимизнинг кун сайин чирой очаётганлиги, замонавий ва кўркам бинолар, ўқув масканларининг қад ростлаётгани ҳамқишлоқларимнинг ҳам ҳайратини оширмоқда.**

Буларнинг бари мустақиллик неъматлари, десам муболаға бўлмайди. Юртбошимизнинг олиб бораётган оқилона сиёсати туфайли юртимиз тинч, оилаларимиз тотув ва фаровон яшамоқда. Бироқ мени ташвишлантириб, ларзага солаётган, ана шундай тинчлик деган олий неъматни, мамлакатимиз равнақини кўриб, тан олмаётган ғаламисларнинг орамизда борлигидир. Ана шундай қабиҳ ниятли кишилар орасида, дин ниқоби остидаги турли оқимлар гирдобида ўзлари ботган ботқоққа ёшларимизни тортишга уринаётган аёлларнинг борлигини ҳеч қабул қила олмайман.

Мен яқиндан билган бир оила бор. У оила ҳалол меҳнат, пешона тери билан ҳаёт кечиради. Бир неча йил илгари хонадонга қўш келин тушди. Буни қарангки, оилага тушган келинларнинг бири — ота-онасининг таърифи бўйича одобли, ахлоқли, иболи — ҳижобли экан. Бунинг нимаси ёмон, дерсиз. Албатта, ана шу келин ҳижоб ниқоби остида кейин-кейин ҳунар кўрсата бошлабди. Оиласидагиларни ҳам "мусулмончилик" йўлига тортишга уриниб кўрди. Бироқ иймони бут, оиласи, юрти учун жонфидо оиладагилар ҳижобли келинга қарши чиқишди. Диний оқим гирдобига ғарқ бўлган ўша келин орада икки фарзандли бўлди. Буни қаранг, онги заҳарланган келин ҳижоб ниқоби остида фахш ботқоғига ҳам ботган экан. Аёлнинг кўзига икки норасида фарзанди ҳам кўринмай, бузуқлик қилаётган пайтда эри келиб қолади...

Яқинда Ўзбекистон телевидениесида бир гуруҳ аёлларнинг турли диний оқимларга кириб, мамлакатимиз сиёсатига қарши, халқимиз тинчлигига рахна солиш йўлидаги қабиҳликлари фош қилинган кинофильмни кўриб, ёқа ушладим.

Мустақиллик туфайли юртимиз аёллари қадрланиб, меҳнатлари ҳар томонлама рағбатлантирилаётган бир пайтда аёлларимиз орасида қабиҳ ниятли, разил аёллар ҳам борлигига сира ақл бовар қилмайди. Ана шундай аёлларни кўриб, эй сиз, аёллар, эссиз аёллар, дегинг келади.

**Худойберди АҲМЕДОВ**

*Янгийўл тумани Ниёзбош қишлоғи*

▼ БОЖХОНА НАЗОРАТИ

# ТАМАКИНИНГ «ТУТУНИ ЧИҚДИ»

**Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги “Алкогол ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу Қонун фуқароларнинг, аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини тамаки маҳсулотларининг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилмоқда.**




Афсуски, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига путур етказадиган айрим омиллар ҳам бор-ки, улардан бири тамаки маҳсулотларини ноқонуний тарзда олиб ўтиш билан боғлиқдир. Масалан, қинғир йўллар билан мамлакатимизга олиб кирилган тамаки маҳсулотларининг мавжуд қонунчилик талабларига мос ҳолда қадоқланганлигига, шунингдек, уларни тарқатиш ва истеъмол қилишда амалдаги қоидаларга риоя қилинишига ҳеч қандай кафолат мавжуд эмас.

Эътибор беринг, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, чекишнинг зарарли оқибатлари туфайли дунёда ҳар йили 5 миллион одам оламдан ўтади. Шу боисдан, таркибида 4 мингдан ортиқ заҳарли моддалар бўлган тамаки маҳсулотлари соғлиқни сақлаш идораларининг огоҳлантиришлари қайд этилган ҳолда қадоқланади. Тан оламизми-йўқми, тамаки қутиларида ўқишга одатланганимиз чекишнинг саломатликка зарари хусусидаги бу каби огоҳлантиришлар аслида ҳам оддий, ҳам аччиқ ҳақиқат ҳисобланади.

Қадоқлардаги акциз маркалари эса тамаки маҳсулотининг қонуний талаблар асосида ишлаб чиқарилганини тасдиқловчи ўзига хос ёрлиқдир. Аммо яширин равишда юртимизга олиб кирилган ва сифати кафолатланмаган сигареталар ҳақида бундай деб бўлмайди. Ваҳоланки, улар таркибидаги заҳарли моддаларнинг нисбатан кўплиги билан янада хавфлидир.

Республикамизда тамаки маҳсулотларига акциз маркаларини қўллаш, шу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш, сақлаш, ташиш ва сотиш устидан давлат назоратини ўрнатиш, шунингдек, акциз солиғини тўлиқ йиғиб олиш, мазкур товарларнинг яширин тарзда ишлаб чиқарилишининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда, 1996 йилнинг 1 октябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва унинг ҳудудига олиб келинаётган тамаки маҳсулотларини белгиланган намунадаги акциз маркалари билан мажбурий маркалаш тартиби жорий этилган. Мазкур тартибларга риоя қилмасдан тамаки маҳсулотларини юртимизга олиб кириш, акциз маркаларини ёпиштирмаган ҳолда ташиш (халқаро транзитдан ташқари), сақлаш ва сотиш эса тақиқлаб қўйилган.

Адлия вазирлигидан 1999 йил 7 январда рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларга акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисида"ги 589-сонли Йўриқномада белгилаб қўйилган ушбу тартибларга амал қилиш ва унинг бажарилишини таъминлаш борасида Давлат божхона қўмитаси томонидан ҳам қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Жумладан, "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан сифати кафолатланмаган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган тамаки маҳсулотларининг яширин олиб ўтилишига оид бир неча қонунбузарлик ҳолатлари фош этилди.

Амалдаги тартибларга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан акциз солиғи солинмай олиб кириладиган товарларнинг миқдорий чекланган нормалари *(Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 13 мартда 412-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)*га кўра, жисмоний шахслар фақатгина 10 қути тамаки маҳсулотларини республикамиз ҳудудига олиб киришлари мумкин. Аммо айрим "кашанда"ларни бу меъёр қониқтирмаётган кўринади.

Шарджадан қайтган пойтахтлик С.Баратов ва А.Казакбаевлар эса "Parliament"нинг ашаддий "ишқибози" чиқиб қолишди. Акс ҳолда, қиймати 2,1 млн. сўмдан ортиқ салкам 900 қути шу номдаги сигареталарни божхона баённомасида ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилишни "унутишмасди".

Шунингдек, тамаки маҳсулотларини яширин равишда чакана тарзда "экспорт" қилишга уринаётган фуқаролар ҳам учраб турибди.

Масалан, "Тошкент-Аэро" ИБК ходимлари томонидан яқинда аниқланган 5 та қонунбузарлик ҳолатида Истамбулга отланган фуқаролар Ф.Алимова, Д.Олимов, Р.Сотиболдиев, М.Ахмедова ва М.Турсунходжаевалар қиймати салкам 2,5 млн. сўмлик 4 турдаги 1440 қути тамаки маҳсулотларининг божхона баённомасида ва божхоначиларнинг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, олиб ўтишга уринишган пайтида тўхтатиб қолинди.

"Тошкент-Бангкок" йўналишида парвозга отланган каттақўрғонлик Ш.Раҳматованинг қўл юклари божхона кўригидан ўтказилганда, ушбу фуқаро қиймати ярим млн. сўмлик 4 турдаги 200 қути тамаки маҳсулотларини яширин равишда олиб чиқишга урингани фош қилинди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Рақамларга мурожаат қилсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида "Тошкент-Аэро" ИБК ходимлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 21 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 29,5 млн. сўмлик 6400 қутига яқин тамаки маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

**"Тошкент-Аэро" ИБК**
**Ахборот хизмати**

**БАРЧА ТУРДАГИ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ЖАМҒАРМАСИНИ БОШҚАРИШ ДЕПАРТАМЕНТИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани «М.Абдуллаев» хўжалигида коллекторлар қуриш (II-босқич).**

Буюртмачининг бошланғич нархи **65 500 000 сўм,** лойиҳа қуввати **39,0** км, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**2. Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани «ГЛК» туманлараро коллекторини реконструкция қилиш (III-босқич).**

Буюртмачининг бошланғич нархи **37 600 000 сўм,** лойиҳа қуввати **8,0** км, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**3. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманидаги «КС-1-8» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **52 100 000 сўм,** лойиҳа қуввати **16,0** км, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**4. Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги «Зей салма» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **37 500 000 сўм,** лойиҳа қуввати **13,5** км, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**5. Андижон вилояти Асака туманидаги «Жўга-1» хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **75 300 000 сўм,** лойиҳа қуввати **8,0** км, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**6. Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги «Райиш» канали остидан ўтувчи кувурли ўтиш жойини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **6 800 000 сўм,** лойиҳа қуввати **1 дона**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**7. Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Улуғбек» СИУ ҳудудида хўжаликлараро коллекторларни реконструкция қилиш ва қуриш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **13 300 000 сўм,** лойиҳа қуввати очиқ коллектор **3,5** км, ёпиқ-ётиқ дренаж **4,0 км,** ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**8. Андижон вилояти Андижон тумани «Отчопар Обиҳаёт» СИУ ҳудудида мелиоратив вертикал дренаж қудуқларини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **8 500 000 сўм,** лойиҳа қуввати **2,0 дона**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**9. Андижон вилояти туманларида кузатув қудуқларини қуриш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **6 200 000 сўм,** лойиҳа қуввати **140,0 дона**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**10. Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги «Дўрмон Малақози» туманлараро коллекторини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **49 500 000 сўм,** лойиҳа қуввати **16,6 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**11. Бухоро вилояти Жондор ва Ромитан туманларидаги хўжаликлараро коллекторларни реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **34 600 000 сўм,** лойиҳа қуввати **66,0 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**12. Бухоро вилояти туманларида кузатув қудуқларини қуриш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **9 100 000 сўм,** лойиҳа қуввати **150,0 дона**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**13. Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «АРК-1» ва «Оқбулоқ» коллекторлар тизимида хўжаликлараро коллекторларни қуриш ва реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **32 600 000 сўм,** лойиҳа қуввати **16,5 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**14. Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «АК-3» ва «ЦК-11» коллекторлар тизимларида хўжаликлараро коллектор қуриш ва реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **15 300 000 сўм,** лойиҳа қуввати **8,5 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**15. Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги «ЦК-11», «ЦК-9» ва «ПК-6» коллекторлар тизимларида хўжаликлараро коллектор қуриш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **18 500 000 сўм,** лойиҳа қуввати **7,4 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**16. Жиззах вилояти Бахмал ва Ғаллаорол туманларидаги «Четарик» ва «Кичикбулоқ» коллекторлар тизимларида хўжаликлараро коллектор қуриш ва реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **9 100 000 сўм,** лойиҳа қуввати **4,5 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**17. Жиззах вилояти Жиззах ва Зафаробод туманларидаги «ЖБЗ» ва «Қли» коллекторлар тизимларида хўжаликлараро коллектор қуриш ва реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **28 100 000 сўм,** лойиҳа қуввати **15,2 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**18. Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги «К-8» ва «К-11» коллекторлар тизимида хўжаликлараро коллекторларни қуриш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **16 500 000 сўм,** лойиҳа қуввати **6,0 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**19. Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «АК-3» ва «ПК-6» коллекторлар тизимларида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **28 200 000 сўм,** лойиҳа қуввати **10,6 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**20. Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги «К-11-1», «4-К-1» ва «12-К-3» коллекторлар тизимларида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **30 000 000 сўм,** лойиҳа қуввати **10,0 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**21. Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Оқбулоқ» ва «ПК-6» коллекторлар тизимларида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **35 600 000 сўм,** лойиҳа қуввати **11,9 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**22. Жиззах вилояти Жиззах ва Зафаробод туманларидаги «ЖБЗ» ва «Қли» коллекторлар тизимларида ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини қуриш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **27 600 000 сўм,** лойиҳа қуввати **9,2 км**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**23. Жиззах вилояти туманларида кузатув қудуқларини реконструкция қилиш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи **8 900 000 сўм,** лойиҳа қуввати **250,0 дона**, ишларни туғаллаш муддати **50 кун.**

**24. Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Ҳилол» хўжаликлараро коллекторини қуриш ва реконструкция қилиш.**

